



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 10 август, № 171 (8233)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИГА

Қадрли шахматчилар! Азиз фарзандларим! Аввало, сиз азизларни ва сизларнинг тимсолингизда кўп миллатли халқимизни мамлакатимиз ҳаётида улкан қувончи воқеа — Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ҳар томонлама муносиб иштирок этиб, Олимпиада чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклаб, ўзимнинг чўқур хурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман. Сизлар дунёнинг манамен деган шахмат усталари иштирокида ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган, 188 та жамоа қатнашган ушбу энг нуфузли шахмат мусобақасидаги улкан ғалабангиз билан мамлакатимиз спорти тарихида янги саҳифани очиб бердингиз. Бутун халқимиз дунёдаги ана шу мусобақаларда сизларнинг ҳар бир баҳсингизни "ойнаи жаҳон" ва интернет орқали катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди. Ўз навбатида, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёш шахматчиларимиз ҳам бундай юксак ишончи оқлаб, халқимизга ёрқин ғалабаларни тортиқ этдилар. Хеч шубҳасиз, сизларнинг бу улкан ғалабангиз Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллик

шонли байрамига муносиб совға бўлди. Ушбу мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Жавоҳир Синдоров, Жаҳонгир Воҳидов, Шамсиддин Воҳидов каби ўғлонларимизнинг истеъдодига бутун дунё ана бир бор тан берди. Айниқса, Жаҳонгир Воҳидовнинг сўнгги ўйиндаги ғалабаси терма жамоамизнинг тарихий ғалабасини таъминлади. Шунинг алоҳида гурури билан таъкидлаш керакки, спортнинг шахмат турида бутун дунёда ном чиқарган Ҳиндистон, АҚШ, Арманистон, Нидерландия, Испания, Буюк Британия, Германия каби давлатлар вакиллари иштирок этган ушбу олимпиадада терма жамоамиз аъзолари ҳар томонлама муносиб иштирок этиб, биронта ўйинда ҳам мағлубиятга учрамади. Сизлар шу тариқа ўзбек шахмат мактабининг шон-шўхратини юксак босқичга олиб чиқдингиз. Сизлар каби азму шижоатли, ватанпарвар ёшлар энг катта бойлигимиз, миллатимизнинг "олтин фонди", десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан. Мана шундай зукко ва катта салоҳиятли ўғлонларни тарбиялаб

вояга етказгани учун ота-оналарингиз ва устозларингизга чин юракдан ташаккур изҳор этаман. Ўзбекистоннинг шахматчи қизлари ҳам ушбу халқаро мусобақада муносиб иштирок этиб, ўзларининг салоҳияти баланд эканини яққол намойиш қилдилар. Шу ўринда уларга ҳам чин қалбимдан тасанно айтаман. Бугун ғолиб ва совриндор спортчиларимизни тайёрлашда чинакам фидойилик кўрсатган терма жамоамизнинг тажрибали мураббийлари Иван Соколов, Владимир Егинга ҳам ўзимнинг чўқур миннатдорлигимни билдираман. Сизларнинг бугунги мисли кўрилмаган ғалабангиз юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спорт, хусусан, шахмат соҳасига берилмаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин амалии натижасидир. Ишончим комилки, 2026 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ҳам мамлакатимиз вакиллари муносиб иштирок этиб, юқори марраларни забт этади. Юксак ғалаба ана бир бор барчангизга муборак бўлсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТЧИЛАРИ ДУНЁДА ТЕНГСИЗ!

Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ўз нихоясига етди. Мусобақанинг сўнгги, 11-турида Ўзбекистон жамоаси Нидерландия вакиллари устидан ғалаба қозониб, 188 жамоа иштирок этган Олимпиада чемпиониغا айланди.

Ифтихор

Бу тарихий воқеа ўзининг буюк илмий кашфиётлари, маънавий-интеллектуал салоҳияти ва тафаккури билан дунёни ҳайратга солган улуғ алломалариимизнинг муносиб авлоди юртимиздан етишиб чиқётганини кўрсатади.

Кечаги бахсларда Нодирбек Ёқуббоев (2620), Жавоҳир Синдоров (2629), Нодирбек Абдусатторов (2688) ўз ўйинларида дуранг натижа қайд этди. Хал қилувчи бахсда эса Жаҳонгир Воҳидов (2564) нидерландиялик Макс Уормердам (2610)дан устун келди ва умумий 2,5:1,5 ҳисобини таъминлади. Бу натижадан кейин Ўзбекистон жамоаси мусобақа жадвалида 19 очко билан би-

ринчи ўринни қўлга киритди. Қайд этиш керакки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта шахмат олимпиадасида олтин медални қўлга киритди. Ва энг асосийси, Ўзбекистон терма жамоаси ушбу Олимпиада давомида бирор марта ҳам мағлубиятга учрамаган ягона жамоа бўлди! Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида жамоавий бахслардан ташқари, индивидуал натижалар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Ушбу натижалар бўйича Жаҳонгир Воҳидов 4-доскада ўйнаган шахматчилар орасида олтин медални қўлга киритди.

ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 август куни халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда санаот, тадбиркорлик тобора ривожланиб бормоқда. Йил бошидан буён 50 мингта янги корхона ташкил топган, экспортёрлар сони 7 миң 500 дан ошган. Экспорт ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўпайиб, 8 миллиард 200 миллион долларга етган.

Иқтисодийётда ишлаб чиқариш қанчалик муҳим бўлса, маҳсулотни етказиб бериш ҳам шунчалик аҳамиятли. Айниқса, ҳозир дунёда логистика муаммолари авжга чиққан вазиятда бу ўта долзарб ҳисобланади.

Шу боис давлатимиз томонидан экспортчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу йил юртимиз маҳсулотлари 32 та янги бозорга кириб борди. Жаҳон савдо ташкилотига кириш бўйича ишлар ҳам жаддалашмоқда.

Дунёда юк ташиш харажатлари ошганини инобатга олиб, экспортёрларга бу харажатларни қисман қоплаш учун давлат томонидан 170 миллиард сўм компенсация берилди. Шунингдек, Европада тайёр маҳсулотлар экспорт қилувчи корхоналарга транспорт харажатлари учун субсидия миқдори 50 фоиздан 70 фоизга оширилди. Мамлакатимиз маҳсулотлари хорижга, асо-

сан, 9 та транспорт йўлаги орқали ташилади. Тақдимотда ҳар бир транспорт йўлаги бўйича долзарб масалалар ва уларни ҳал этиш юзасидан тақлифлар муҳокама қилинди.

— **Транспорт соҳасини ривожлантириш иқтисодийётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун муҳим замин. Транспортида юк ташиш таннархи паст бўлса, ҳам экспорт, ҳам инвестиция кўпаяди, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Транспорт вазирлигига тадбиркорлар учун энг мақбул йўллари тақлиф этиш ва уларнинг транспорт харажатларини қисқартириш вазифаси қўйилди.

Европада экспорт юкларини ташиш учун кўшимча руҳсатлар олиш муҳимлиги таъкидланди. Автомобилда юк ташиш учун Покистон ва Туркманистон билан қўшма транспорт компаниялари ташкил этиш тақлифи билдирилди.

Кўнгирот — Бейнов халқаро автомобиль йўли реконструкциясини жаддалаштириш, юк вағони ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ҚИРГИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ОҚСОҚОЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Айни кунларда Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтаётганидан хабарингиз бор. Кеча Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаров нуфузли анжуман иштирокчилари билан учрашди.

Унда Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгашининг Ўзбекистондаги аъзоси, Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев ҳам қатнашди.

Садир Жапаров ёши улуглар жамияти ва давлат ҳаётида муҳим ўрин тутаётганини таъкидлаб, глобаллашув

даврида ташкил этилган Оқсоқоллар кенгаши дунёдаги энг кучли уюшмалардан бирига айланишига ишонч билдирди.

Қирғизистон раҳбари Ўзбекистон оқсоқоли билан мулоқот қиларкан, Ўзбекистонга ташири чогода кўрганлари дунёқарашини тамоман ўзгартириб юборган

нини, очик бошқарувда Президент Шавкат Мирзиёевдан кўп нарса ўрганганини таъкидлади.

Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида барча масалалар ҳал бўлгани қайд этилди. Садир Жапаров жорий йил бўлиб ўтадиган Туркий давлатлар ташкилоти Самарқанд саммити юксак даражада ўтказилишига ишонч билдирди.

Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгашининг йиғилиши ўз ишини давом эттирмоқда.

«Халқ сўзи».

Илмий анжуман ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ ТАРИХИМИЗДАГИ ЎРНИ ВА ХИЗМАТЛАРИ БЕҚИЁС

Олий Мажлис Сенати, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда Фанлар академияси Тарих институти ҳамкорлигида «Ўзбек хотин-қизларининг давлатчилик тарихимиздаги ўрни ва хизматлари» мавзусида илмий анжуман ўтказилди.

Унда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар раҳбар аёллари, Фанлар академияси Тарих институти, «Ўзархив» агентлиги ходимлари, Сенат хузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи фаол хотин-қизлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Олий Мажлис Сенати Раиси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Танзила Норбоева кириш сўзи билан очди.

Халқ билан мулоқот

ПОЙТАХТДА ЎТГАН ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАР ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРДИ?

Президентимиз гоёси билан «Инсон — жамият — давлат» тамойили ҳаётимизга чўқур сингиб, бош қадрияга айланаётгани халқ билан мулоқот тизимини ҳам тобора такомиллаштириб бормоқда. Аслида ҳам, давлат ва жамият халқ орзу-умидлари ушалоғи учун ёрдам берганда, инсон бу ҳаётда ўз ўрни, ўз қадрли борлигини англайди. «Давлат — инсон учун» қонунининг ҳаётини исботини Тошкент шаҳрида ҳар кун ечим топилаётган минглаб муражаатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

ҚУЛЛИККА ТУШИБ ҚОЛИШ ЭҲТИМОЛИНИНГ ПАСАЙИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ КУЗАТИЛМОҚДА

«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан одам савдоси соҳасидаги асосий тенденция ва муаммоларни аниқлаш мақсадида аҳоли ўртасида сўров ўтказилди. Сўров мамлакатимиз ҳудудларида барча ижтимоий гуруҳлар, жумладан, эркаклар, аёллар, ёшлар, турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари, шаҳар ҳамда қишлоқ аҳолиси ўртасида олиб борилди.

Тадқиқот

Жамоатчилик онгида одам савдоси турли кўринишларга эга бўлиб, шахснинг қадр-қиммати ва дахлсизлигига бевосита таъсир қилмаган, ҳақиқатан ҳам, инсонни савдодаги оддий товар даражасида таққирлайдиган, шахсга қарши орсизларча ва шафқатсизлик билан қилинган жиноят эканлигини англаш устуворлик касб этди. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг энг кўп тарқалган турлари, фуқароларнинг фикрича, одамларни, шу жумладан, болаларни сотиш ва сотиб олиш, қуллик, эрксизлик ва қарамлик, эркаклар ва аёлларнинг меҳнат эксплуатацияси, одамларни уларнинг аъзоларидан фойдаланиш мақсадида сотиш, шахвоний эксплуатация ҳисобланади.

Одам савдосидан жабрланганлар сонини айнан шу муаммодан ва меҳнат миграциясига отланаётган фуқаролар дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан аҳолини огоҳ қилиш йўли билан сезиларли даражада камайитириш мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИСЛОҲОТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид долзарб масалалар билан бирга, турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, инсон манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари атрафлича муҳокама этилди.

Кўриб чиқилган масалаларга халқ вакиллари чўқур масъулият билан ёндашиб, конструктив, қизгин фикр-мулоҳазалар билдирди ҳамда асосли тақлифлар ўртага ташланди.

Фуқаролар ташаббуси ҳам инобатга олинади

Мажлисида дастлаб «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга қўшимчалар ва ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳасининг мақсади — маҳаллалар, шохқўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонларга жамоат арбоблари, сиёсий арбоблар исми-шарифини беришни

Йўлларда ҳаракатланиш ҳавфсизлиги таъминланади

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига йўл ҳаракати ҳавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, амалдаги тартибга кўра, ҳайдовчилик ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олишга ўқитиш бўйича лицензиялар Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат

инспекцияси томонидан берилди. Бироқ йўлларда ҳаракатланиш ҳавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бўлиминларига юклатилган. Бундай тартиб турли номувофиқликларни келтириб чиқармоқда. Яъни лицензия берувчи бошқа ташкилот, унинг ижросини назорат қилиш эса бошқа ташкилот зиммасида. Бу ҳайдовчилар тайёрлаш тизимини яхлит ҳолда назорат қилишга ўзининг салбий таъсири кўрсатяпти.

ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ ТАРИХИМИЗДАГИ ЎРНИ ВА ХИЗМАТЛАРИ БЕҚИЁС

Кайд этилганидек, бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда фаоллигини оширишга ҳар қачонгидан-да кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Буни 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 69-мақсади “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш” деб номлангани ва унинг доирасида кенг қўламли ишлар рўйбга чиқарилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Албатта, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларда ўз ифодасини топаётган ушбу эзгу мақсадларни амалга ошириш, аввало, уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихида аёлларимизга бўлган муносабат, даврлар оша сақланиб келаётган хотин-қизларни қадрлаш ва эъзозлаш билан боғлиқ миллий тарбия, урф-одат ҳамда анъаналаримизни чуқур ўрганиш, хотин-қизларнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги ўрни ва хизматларини халқимиз орасида кенг тарғиб этишни тақозо қилади. Табиийки, бу борада тарих фанининг ўрни беқиёс.

Кўп минг йиллик тарихимиздан маълумки, ўтмишда давлат бошқаруви, ҳарб иши, юрт ҳимояси, мулкчилик, қурилиш, ишбилармонлик, ҳомийлик, таълим-тарбия, адабиёт, диний соҳаларда ўзбек аёллари кўрсатган фаолият унча-мунча халқ ёки давлат таърибасида учрамайди. Буни сўнгги беш-олти

йил ичида жадал ривожланиши бундан кечираётган тарих фанида қўлга киритилаётган илмий натижалар ҳам тасдиқлаб турибди. Илмий анжуман доирасида ташкил этилган кўрғазмада Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган ноёб вақф ҳужжатлари намойиш қилинди. Мазкур вақф ҳужжатлари Бухоро амрилиги, Қўқон ва Хива хонлиги даврида яшаган турли тоифа аёллар томонидан мадраса ва мактабларга ҳамда бошқа эзгу маърифат амаллари қатна микдорда сармога йўналтирилганидан яққол далolat беради.

Ўзбекистон кино, фото ва овозли ҳужжатлар миллий архивида сақланаётган суратлар кўрғазмасида ўзбек миллий либоси ва тақинчоқлари, хунарманд, санъаткор, ижодкор ҳамда бошқа соҳа аёлларининг иш жараёнига оид суратлар ва бошқа архив манбалари ўрин олган бўлиб, буларнинг барчаси аёлларимизнинг миллий давлатчилик тарихимизда туганган ўрни ва маънавий тўлақонли акс эттирган.

Шунингдек, тадбирда қадимги ашёвий манбаларда акс этган ўзбек аёли тимсоли, қийинчи маданияти, зеб-зийнатлар ва уларнинг фалсафаси, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни, ижтимоий ҳаёт, маорифни тараққий топтириш йўлидаги заъи-ҳаракатлари, ҳомийлик ва бунёдкорлик ишлари, жадид аёлларнинг матбуотдаги чиқишига оид маълумотлар тақдим этилди.

«Халқ сўзи».

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан “Давлат божи тўғрисида”ги ҳамда “Лицензиялаш, рўхсат бериш ва хабардор қилиш тартиби-таомиллари тўғрисида”ги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинмоқда.

Хусусан, автомобилотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи учун лицензия бериш, ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш фаолиятини бошлаганилик ёки тугатганилик тўғрисида хабардор қилиш тартиби-таомиллари амалга оширилишини таъминлаш соҳасидаги ваколатли орган макomini Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясидан Ички ишлар вазирлигига ўтказиш белгиланмоқда.

Муҳокамалар чоғида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан модда-модда кўриб чиқилди, қўллаб-асосли таклифлар берилди. Қизғин баҳс-мунозаралар сўнг қонун лойиҳаси — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида” деган янги ном билан қабул қилинди.

ИСЛОХОТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА



Дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш бўйича жавобгарлик мақбуллаштирилмоқда

Мажлисда, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жа-

вобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Кайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофизат қилиш, яшил майдонларни кенгайтириш, дарахтлар экиш, парваришлар ишларига дав-

лат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентлигининг 2021 йил 30 декабрдаги тегишли Фармони билан давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбахонавларининг кесилишига мораторийнинг амал қилиши мuddатсиз даврга узайтирилиши белгиланди.

Шунингдек, “Яшил макон” умум-миллий лойиҳаси доирасида дарахт ва бута қўчатлари экилиб, қўқалам-зорлаштирилган ҳудудлар майдонларини кенгайтирилмоқда. Аммо шунга қарамай, дарахтларни ноқонуний кесиш, шикастлантириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига назарда тутилган дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш, қундақов қилиш, шикастлантириш бўйича жавобгарлик масаласи мақбуллашти-

рилмоқда. Яъни битта моддада мазкур ҳуқуқбузарликка нисбатан жавобгарликни белгилаш ҳуқуқини қўллаш амалиётида турли хил ноаниқликлар келтириб чиқарилиши ҳамда айни бир қилмишнинг бир неча маъмурий ҳуқуқбузарликлар деб квалификация қилинишининг олдини олади.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг атроф-муҳит муҳофазасига, хусусан, ўсимлик дунёсига бўлган масъулиятини ҳамда бу борадаги ваколатли давлат органи фаолияти таъсирчанлигини оширишга замин яратди.

Мажлисда депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириди ҳамда уни янада тақомиллаштириш бўйича асосли таклифлар илгари сурилди. Давомили савол-жавоблардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИНИНГ ФИКРИ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ



Бугунги кунда мамлакатимизда 10 мингга кўча номланмаган, 500 мингга яқин уйлар рақамларга эга эмас. Бу эса аҳолига уй-жой ва коммунал ҳамда тиббий хизматлар кўрсатишда маълум бир муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ушбу масалалар Президентимиз раислигида шу йил 5 май кунги тез тиббилий ёрдам хизмати фаолиятини тақомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунда географик объектларга ном беришда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш белгиланган. Аммо амалдаги қонунчиликда аҳолининг фикрини ҳисобга олиш, шу жумладан, фуқаролар томонидан географик объектларга ном бериш ташаббусларини илгари суриш тартиби назарда тутилмаган.

депутатлари томонидан ишлаб чиқилган “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгариш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасида ушбу масалалар ечимини акс этган.

Хусусан, қонун лойиҳаси билан географик объектларга ном беришда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш ҳамда аҳоли пунктларининг тарихий қисмларига Ўзбекистон ва жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахс-

ларнинг исм-шарифини бериш таклиф этилган.

Бу борада аҳоли пунктларининг тарихий қисмларига ном бериш ва уларнинг номларини ўзгариштириш жараёнида шаффоқлик ва тенгликни таъминлаш мақсадида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот ва муассасалар билан бир қаторда, фуқароларнинг иштироки ҳам белгилаб берилмоқда.

Қуни кеча бўлиб ўтган Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ушбу қонун лойиҳаси қизгин муҳокама этилди. Лойиҳани янада тақомиллаштириш бўйича асосли таклифлар илгари сурилиб, мазкур ҳужжат қабул қилинди.

Умуман олганда, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгариштириш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш жараёнида мазкур географик объект жойлашган ҳудудда яшовчи маҳаллий аҳолининг ҳам фикри ҳисобга олинади.

Ислом ХУШВАҚТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЎСИМЛИК ДУНЁСINI АСРАШГА БЎЛГАН МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШ ЛОЗИМ

Тадқиқотларга қараганда, бир гектар майдондаги дарахтлар бир кеча-кундузда 220 — 275 килограммгача карбонат ангидрид газини ютиб, 180 — 215 килограмм кислород ажратади. Бу миқдор ўртача 500 кишини кун давомида кислород билан таъминлашга етати.



Аслида ҳам, яшил маконга, истироҳат боғлари қанча кўп бўлса, аҳоли уларда шунча мароқли ҳордиқ чиқаради. Табиат билан уйғунлашган яшиллик инсоннинг бахтидорлигини очиб, кайфиятини кўтарди. Асосийси, атрофдаги тоза ҳаво саломатликка ижобий таъсир кўрсатади.

бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида шаҳар ва туман марказлари, маҳаллаларда, кўча ҳамда хийбонларда мевали ва манзарали дарахтлар, бута қўчатлари ўтказилмоқда. Аҳоли яшаш манзиллари, корхона ва ташкилотлар атрофи яшил ҳудудларга айлантириляпти.

Аммо қўрилайётган барча чора-тадбирларга қарамай, дарахтларни ноқонуний кесиш ҳолатлари ҳануз кузатилаётгани дилни хира қилади. Бу эса умумэкологик вазиятнинг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда.

Моҳира ХҲҲАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Президентимиз ташаббуси билан

3,5 МИЛЛИОН ТОННА ЧИҚИНДИ ЙИГИЛИБ ҚОЛГАН

Шу кунларда Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Борий Алиқонов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Жиззах вилоятида ўрганишлар олиб бормоқда.

Ўрганиш

Бу жараёнда, асосан, атроф-муҳит муҳофазатини экологик барқарорликни таъминлаш, шу жумладан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида олиб борилаётган ишлар, чиқиндиларни тўплаш, саралаш ва қайта ишлаш бўйича қўрилайётган чоралар ҳамда оқова сувларни тозалаш борасидаги сай-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дастлаб вилоят ҳокимлигида муассасалар ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирокида Айдар-Арнасой кўллар тизимидаги муаммолар, чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш, шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида олиб борилаётган ишлар юзасидан учрашув ўтказилди. Шунингдек, бундай учрашув вилоят экология бошқармасида Жанубий Кореянинг “Techcross water&energy” компанияси вакиллари иштирокида ҳам уштурулди.

Мулоқотда Жиззах шаҳрида ҳосил бўладиган оқова сувларни тозалаш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, ушбу компания томонидан амалга оширилши режалаштирилган қиймати 17 миллион доллар бўлган оқова сувларни тозалаш иншооти қурилиши бўйича

маълумотлар тингилган ҳамда тегишли тавсиялар берилди. Сўнгра ишчи гуруҳ аъзолари маиллий чиқиндиларни саралаш станциясидаги ишлар билан яқиндан танишди.

Маълум бўлишича, полигонга Жиззах шаҳри ва унча тумандан кунига 400 тоннадан зиёд чиқинди олиб келинади. Сенаторнинг сўзларига кўра, ҳозирги кунда полигонда 3,5 миллион тоннага яқин чиқинди йиғилиб қолган. Афсуски, полигонда чиқиндиларни жойлаштириш ва санитар талабларга риоя этиш етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ вакиллари захарли кимёвий воситалар чиқиндилари омбори масъуллари билан суҳбатлашди. Мулоқот жараёнида захарли кимёвий моддаларнинг инсон соглиғи ва атроф-муҳитга зарарли таъсирини бартараф этиш, жойлардаги захарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар қўйилган ҳамда сақланаётган махсус объектларнинг хавфсиз ҳолатини таъминлаш борасидаги ишлар етарлича ташкил этилмаганлиги айтиб ўтилди.

Яқинда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича масъулларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Ўрганиш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ПОЙТАХТДА ЎТГАН ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАР ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРДИ?

Аниқ мисолларга ўтишдан аввал эътиборингизни қуйидаги рақамларга қаратасиз: жорий йилнинг ўтган даврида Президент виртуал қабулхонаси ҳамда Халқ қабулхоналарига пойтахтимиз аҳолисидан 80 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 76 минг 800 га яқини кўриб чиқилган ва уларнинг 52 фозидан зиёди, яъни қарийб 40 мингтаси ижобий ҳал қилинган.

Қолган мурожаатларнинг муайян қисми ҳуқуқий масала ва тушунириш бериш йўли билан ҳал этилган бўлса, яна бир қисми муҳалли назоратга олинган. Бу жараёнда давлатимиз раҳбари тошхирини асосида тузилган Республика ишчи гуруҳининг шу йил 25 — 27 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган оммавий қабулларда келиб тушган мурожаатларни ўрганиш, уларда айтилган масалаларни ҳал қилиш ишлари ҳам илҳол олиб боришмоқда.

Мирзо Улугбек туманидаги Аҳиллик маҳалласида яшовчи Муҳаммадзё Қўқонбоев, аввало, қизида белдор жараҳли амалиёти ўтказиш учун ёрдам сўраб келган эди. Мулоқот асосида унинг бир талай муаммолари чиқиб келди. Энг катта масала эса унинг ишсизлиги эди.

Халқ қабулхонаси ходимлари мурожаатчига қонуний ёрдам бериш учун ишчи қонуний эса яратилган бошланди. Фарғонада поймахта куёв бўлган бу йигит дастлаб оиласи билан расман никоҳдан ўтказилди. Сўнг шу асосда доимий пропискига қўйилди. Доимий пропискига бўлган, “ёшлар дафтари”га киритилди. “Ёшлар дафтари”да тургани боис “Меҳр ва савоҳат” жамғармасидан қизини давлатлиги учун маблағ ажратилди. Қизча соғайди. Яқинда улар хонадонидаги бўш турган икки хона “уй меҳмонхонаси

сифатида расмийлаштирилган бўлса, бунун Муҳаммадзёга автомобилларга хизмат кўрсатиши йўлга қўйиши учун зарур иш анжумани олиб берилди. Энди бу эътибор оилани икки қисмга бўлиб ажратди.

Мурожаатлар асосида тадбиркорлик йўналишидаги қўллаб-масалаларга ечим топилаётгани янги-янги иш ўринлари яратилиши инқироби ҳам бермоқда. Мирободлик тадбиркор Баҳодир Қосимов Миробод туманидаги Халқ қабулхонаси ва сектор раҳбарларининг сайёр қабулида туманининг Мингўрлик маҳалласида ташкил этган меҳмонхонасини жиҳозлаш учун кредит олишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Мурожаатдан сўнг бу масала ўрганилиб, ечим топилди: тадбиркорга 1 миллион 900 миллион сўми имтиёзли кредит ажратилган ва аёлига 66 миллион сўми имтиёзли кредит ажратилди. Шу маблағ эвазига мўъжаз корхона фаолияти йўлга қўйилиб, 20 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Айни кунларда улар дастлабки

буюртмаларни тайёрлашга ҳам улгурди. Мирободлик 22 йиллик иш таърибасига эга тикувчи Гўлбаҳор Турсуноевнинг кўпи йиллик рўзуси ҳам шу кунларда ушланди. Айелнинг тикувчилик ўқув марказини очиб бўйича мурожаатдан сўнг “Инокобод” маҳалла фуқаролар йиғини биносидан жой, 60 миллион сўми имтиёзли кредит ажратилди, 12 та тикув машина олиб келинди. Энди бу ерда ишсиз хотин-қизлар тикувчилик сирларини ўрганиш, ишлаб даромад топади.

Умуман, Халқ қабулхоналари ва секторларнинг маҳаллага тушиб ишлаётгани, маҳаллани фуқаролар ўз фикри, таклифи ва тавсияларини эркин айтганидан, муаммосига самарали ечим топадиган чинакам халқчил тузилмага айлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида 15 йиллик таърибга эга тадбиркор Хасан Гасанов эса шу йилнинг 25 — 27 май кунлари пойтахтимизда ўтказилган оммавий қабулларда Мирзо Улугбек туманидаги турар-жойини нотуражойга айлантириш бўйича мурожаат қилган эди. Сабаби, объектни қайта лойиҳалаш, реконструкция қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни бир оз чўзилган экан.

Мурожаатдан сўнг Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасининг яқинда берган хулосасига кўра, мазкур объектниги иختисосини ўзгариштириш, тураржой тоифасидан

нотуражой тоифасига ўтказиш ва реконструкция қилиш учун тегишли рўхсатнома берилди — масала ижобий ечим топди.

Сергеи туманидан бўлган Убайдулла Зухруллаев чармгар уста-хунармандларнинг учинчи авлоди. Чармдан ортопедик пойабзаллар тайёрлайди. Уста анчадан бери ўз фаолиятини кенгайтиришни ўйлаб юрган эди. Унинг ўзи яшаётган кўп қаватли йў ертўласидан жой ажратишни сўраб мурожаат қилишдан мақсад ҳам шу. Масала жойига чиқиб ўрганилган, ҳал этилди. Бугун Зухруллаевлар оиласи мўъжаз устаканада меҳнат билан банд.

Ха, инсон ўзи ундай олманган ҳар қандай масалага давлат ва жамиятдан ёрдам кутгани. Энг оқир паллада кўмак қўлларни чўзилганда эса қалбида шамдек ёниб турган умид чўғлари алангаланди, эртанги кунга ишонч мустаҳкамланди. Сергеи туманида яшовчи Осид Хасанова ҳаётида ҳам шундай бўлди. Аёл 13 йилги қизи Лолада бўйрак қўчириш билан боғлиқ мураккаб жараҳат амалиёти учун имкон тополмади. Оғир ўйлов елкасини юкдек босиб турарверди. Осид опа Сергеидаги сектор раҳбарларининг сайёр қабулида шу масалада ёрдам сўраб мурожаат этган, унинг ҳаётидаги катта муаммо тезда хал қилиб берилди. “Меҳр ва савоҳат” жамғармасидан зарур маблағ ажратилди, Лолага ўз акиси бўйрагини берди. Муваффақиятли жарроҳ-



лик амалиётдан сўнг Лола ва акасининг соғлиғи тикланди. Она учун эса фарзандларининг саломатлигиндан ортиқроқ бахт йўқ. Юнусободлик Динара Маҳмудова ҳам пойтахтимиздаги оммавий қабулга онаси Рабича Тўхтабоевнинг жарроҳлик амалиёти учун ёрдам сўраб келди. 2019 йилдан бери бўғим яллиғланиши хасталиғи билан оғриган аёлининг оилавий шароити, ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги инобатга олиниб, Рабича онага Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида беул жарроҳлик амалиёти ўтказилиши учун йўлланма берилди. Маҳаллий ҳокимлик протез учун маблағ ажратадиган бўлди.

Яшнободлик Гулнеҳра Назармухаммедованин ҳам худди шундай мурожаатдан сўнг 15 йилдан буён онкологик хасталик билан оғриган онасига ногиронлиқни белгилаш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилди...

Албатта, бир қуниқ кўрганларимиз — халқ билан доимий мулоқотни таъминлаш борасида йўлга қўйилган яхлит тизим бераётган реал натижалардан бир шингил, холос. Давлатимиз раҳбарининг “Инсон қадрини ўқин” гоёси аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг пировард мақсадига айланган бораётгани эса халқчил ва инсонпарвар давлат барпо этишдек буюк мақсадларга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ШАХМАТЧИЛАРИ ДУНЁДА ТЕНГСИЗ!

Нодирбек Абдусатторов эса 1-доскадаги шахматчилар орасида кумуш медаль соҳиб бўлди. Нодирбек Ёқубов эса 2-доскадаги шахматчилар орасида бронза медали билан тақдирланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида чемпионликни қўлга киритган жамоамиз билан телефон орқали мулоқот қилиб, уларни ушбу буюк ғалаба билан қизғин табриқлади. Уз навбатида, Олимпиада чемпиони Жаҳонгир Воҳидов "Сизнинг бизга бўлган ишончингиз ютуқларимизга қанот бағишлади. Юртимизда шахматга бўлган эътибор ютуқларимиз гарови бўлди", деб айтди.

Аёллар баҳридаги сўнги турда Ўзбекистон — Коста-Рика жамоалари беллашувида 2,5:1,5 ҳисоби қўлиб этилди. 162 жамоа қатнашган мусобақада вакилларимиз Афруза Хамдамова ғалаба қозongan бўлса, Умида Омонова, Мафтуна Бобомуродова ва Маржона Маликова дуранга эришди.

Коньяда бўлиб ўтаётган V Ислон бирдамлиги ўйинлари доирасида Ўзбекистон спортни ривожлантириш вазири Аҳмад Икрамов билан учрашган Туркия ёшлар ва спорт ишлари вазири Мехмет Касалоглу Ўзбекистон халқи ва олимпиада голибларини тарихий ғалаба билан муборакбод этиб, шахматчи ёшларга келгуси мусобақаларда улкан зафарлар тилади. Хаммасидан ҳам полшалик шахмат устаси Камил Плигининг эътирофи қалбларимизни гурурга тўлдирди. "Ўғил фарзанд кўрсам,

исмини Нодирбек қўяман. Қизалоқ бўлса ҳам бунинг аҳамияти йўқ!".

Нуфузли мусобақа якунлаши арафасида Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида Халқаро шахмат федерациясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, 2026 йилги Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг мезбони ҳам маълум бўлди. Бу бўйича Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси Алишер Саъдуллаев тақдиримизга ўтказди. Овоз бериш жараёнида иштирок этган делегатлар бир овоздан ушбу нуфузли мусобақа Ўзбекистонда ташкил этилишини қўллаб-қувватлади.

Шу тарихида 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига Ватанамиз мезбонлик қилаётган бўлди.

Аслида ҳам, юртимизда тафаккур мушоҳадага етакловчи ақл гимнастикаси саналган шахматни ривожлантиришга, оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 5 августида мамлакатимиз Президентининг "Шахматни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори қабул қилинди. Ушбу спорт турига кўнгли қўйган ўғил-қизларимиз дунё шахмат усталарини лол қолдираётгани бу соҳага берилётган эътибор самарасидир.

Ҳадемай, истиқлолимизнинг қўлтуғи 31 йиллигини катта тантана сифатида нишонлаймиз. Шўҳраси, Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида қўлга киритилган тарихий муваффақият ушбу айдёмга ўзига хос соғва бўлди.

«Халқ сўзи».

Фахр

МИЛЛАТ ФАРЗАНДЛАРИ, СИЗЛАРГА ШАРАФ!

Дуолар ижобат бўлди бу кунда,
Мадада ошиқди ажодлар руҳи.
Юрт донги ҳар ёнга етди бир зумда,
Баланд кўтарилиди голиблик туги.

Кўнглиларда ишонч — гўё нурли тонг,
Ниятлар чечаси очилди саф-саф.
Миллат фарзандлари, сизларгадир шон,
Миллат фарзандлари, сизларга шараф!

Шоҳсуна мунтазир, голиб бўлдингиз,
Сиз она Ватанга кўз-қош ҳаминиз.
Халқсевар қабл сизга ёрдинг, билингиз,
Халқпарвар руҳ сизга йўлдош ҳаминиз.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ

ҚИЗГИН БАҲСЛАРДАГИ МУНОСИБ НАТИЖАЛАР

Кеча Туркиянинг Коня шаҳрида ўтаётган V Ислон бирдамлиги ўйинларининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Унда ўзбек спортининг икки ёш юлдузи — тазквондо бўйича "Токио — 2020" Олимпиадаси чемпиони Улугбек Рашитов ҳамда қиличбозлик бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати совриндори Зайнаб Дайиббекова Ўзбекистон делегациясининг байроқдорлари бўлишди.

Спорт

Эслайтиб ўтамиз, мазкур мусобақада Ўзбекистон шарафини 265 нафар спортчимиз ҳимоя қилмоқда.

Умуман, V Ислон бирдамлиги ўйинлари қизгин баҳсларга бой тарзда давом этмоқда. Хусусан, тазквондо-чиликнинг ҳам Ислон бирдамлиги ўйинларидаги иштирокини муваффақиятли бошлади. 53 кг. вазн тоифасида баҳс олиб борган Чарос Қаюмова бронза медалига сазовор бўлди. Пара сузувчимиз Азизбек Бойназаров бу гал 100 метрга брасс усулида сузиш дастурида бронза медали соҳиб бўлди. У бунгача жамоамизга 2 та олтин медаль тақдим қилган эди. Шу тарихи жамоамиз ҳисобидаги медаллар сони 10 тага (3 та олтин,

2 та кумуш, 6 та бронза) етди. Гандбол бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси гуруҳдаги иккинчи ўйинда Бангладеш терма жамоасига қарши баҳс олиб борди. Юртдошларимизнинг яққол устунлигида ўтган учрашувда 42:20 ҳисобида вакилларимиз ғалаба қозонди. Сенегалга қарши кечган биринчи турдаги ойғир учрашувни 28:27 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган мамлакатимиз гандбол жамоаси кегаги галабадан сўнг мuddатидан олдин кейинги босқич йўлнамасига эга бўлди. Терма жамоамиз гуруҳдаги сўнги ўйини мезбонларга қарши ўтказди.

Мусобақалар қизгин давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Саломатлик

Донишманд ота-боболаримиз "Қайси халқни билмоқчи бўлсанг, бозорини бориб кўр", деган нақлни бежиз айтмаган. Бозор — халқ ҳаётининг кўзгуси. У ердаги тўқиллик, серобгарчилик юрда одамларнинг фаровон яшаётганлигидан, боғу далаларда ҳосил мўл-кўл бўлганлигидан далolat беради. Бозордаги тартиб, тозаллик, озодаллик, сотувчи ва харидор ўртасидаги муомала-муносабат халқнинг маънавий даражаси, маданияти, менталитети ва қадриятларини намоён қилади. Шу билан бирга, одамларнинг ўзини тутиши, кайфияти, гап-сўзлари жамиятдаги муҳитни, камчилик ва муаммоларни ҳам кўрсатади.

Бугун юртимиз бозорларини айлансангиз, расталар тўла ноз-неъматларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Неки илсангангиз, беармон топасиз. Бироқ дилни беҳузур қиладиган бир ҳолат ҳам борки, қайсики бозорга борманг, аини шу машааша устидан чиқасиз. Англадингиз, гап шакар маҳсулотига пайдо бўлаётган навбатлар, харидорларнинг нарх қимматлигидан

норозилиги, ўзаро тортишувлари, баъзида даҳанакан жанжаллари ҳақида кетмоқда. Бундай ҳолатлар, бир қараганда, ҳозир ёз фасли — аини пишиқчилик мавсумида қишда истеъмол қилишга турли мевалардан "консерва" ёпилгани учун табиийдек туюлиши мумкин, иккинчи томондан, ширинликни хуш кўрувчи, шакарга ўч халқ эканлигимизни ҳам намоён этади.

Ростдан ҳам, турмуш тарзимизга эътибор қаратсақ, шакарни деярли ҳар кун истеъмол қиламиз. Оилаларда бу маҳсулотга ошно тутиниш она сўтидан "қора овқат"га ўта бошлаган гўдақдаёқ бошланади. Ҳали тиши ҳам чиқмаган болага шакар эритилган сувга нон увоғи ёки печенье ивитиби бериш аксарият хонадонларда учрайди. Кексаларимиз ҳам бошқа нарсалар ошқозонга "ботади" деб, нонни ширин чойга бўктириб ейишни хуш кўради.

Ҳўш, биз жон-дилигимиз билан яхши кўрадиган шакар аслида қандай маҳсулот? Унинг истеъмол қилиниш меъёрлари қанақа? Бу меъёрлар бузилса, инсон саломатлигида қандай касалликлар келиб чиқади? Шу каби саволлар билан соҳа мутахассисларига мурожаат қилдик.



ЎЗИ ОҚ, ИЗМИ «ҚОРА»

Гули ШАЙХОВА,
Тошкент тиббиёт академияси Болалар ва ўсмирлар овқатланиш гигиенаси кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори:

Шакар истеъмолини қандай чеклаш мумкин?



Шакар ҳазм қилиш трактига тушганда парчаланadi ҳамда тананинг барча аъзолари ва тўқималарига таъсир қўрсатади. Қанд молекулауларни ҳужайраларга кириб бориб, энергия манбаси сифатида ишлатилади. "Фойдаланмаган" углеводлардан эса ёғ молекулауларини ҳосил бўла бошлайди. Бу организмда узоқ сақланувчи ва кўйин олинadиган энергия "аккумуляторлари"дир. Глюкоза жигарнинг детоксацион функциясини қўллаб туради. Аинан шунинг учун турли захарланишларда конга глюкоза юборилади. Аини пайтда, глюкоза организмда қувонч гормони — серотонин ишлаб чиқилишини ҳам фаоллаштиради, қонда унинг концентрацияси ошиши кайфиятни кўтаради. Булар — шакарнинг фойдали хусусиятлари.

Бироқ катта ёшдаги ва кам ҳаракатли одамларда организмга шакар билан кирadиган қалориялар энергетик эҳтиёжларга сарфланмайди. Натихада қонда холестерин миқдори ошади ҳамда атерогенез тезлашади, ёғларнинг ортиқча тўпланиши ва тана вазнининг кескин ортиши юз беради, моддалар алмашинуви ва ошқозон ости безининг иши бузилади. Шунингдек, аллергия реакциялар пайдо бўлади. Бундан ташқари, иммун тизимга зиён етadи, моддалар алмашинуви бузилади, минераллар ва витаминлар танқислиги юзага келади. Шакар саратон ҳужайралари учун зўр озуқа — сут беzi, репродуктив аъзолар, ошқозон ости беzi саратонига ҳамда бўлиши мумкин. Одам организми вақтидан олдин қарий бошлайди.

Бундан ташқари, шакар тиш эмалини кўчиради, аллергия реакцияларга олиб келади, болаларда тери касалликларини келтириб чи-

қаради, организмда ортиқча суюқликни ушлаб қолади. Шакарнинг ҳаддан ташқари истеъмол қилиниши терида ажинлар эрта тушишига сабаб бўлади, чунки у тери коллагенида сақланиб, қайишқоқлигини камайтиради.

Шакар организмдан кальцийни ювиб чиқаради ва қонда фосфор ҳамда кальций нисбатини ўзгартириб юборadi — кальций миқдори ошади, фосфор миқдори эса камайдди, бу остеопороз ривожланишига мойиллигини оширади. Шу бoис бу маҳсулот истеъмолида, албатта, меъёрга амал қилиш керак. Чунки унинг ўзи оқ бўлса-да, изи "қора".

Ҳўш, шакар истеъмолини қандай чеклаш мумкин? Буни болалиқдан бошлаш даркор. Она фарзандини имкон қадар узоқроқ вақт эмизиши, унинг қўшимча овқатланиш маҳсулотлари ва таомларига камроқ шакар қўшилиши талаб этилади. Шунингдек, ҳар бир инсон жисмоний фаоллигини сақлаши (ҳар кун камиди 30 дақиқа юқори жисмоний фаоллик), пассив кундузги дам олиш (телевизор кўриш) вақтини камайтириши, мева ва сабзавотлар ҳамда бошқа гликемик индекс паст маҳсулотларни кўпроқ ейиши, қандолат маҳсулотлари, чипслар, салқин имчилар ва юқори калорияли бошқа маҳсулотлар истеъмолини чеклаши зарур. Шунда организмда ширинликка мойиллик пайдо бўлмайди.



“ **ЖАХОН СОГЛИКНИ САКЛАШ ТАШКИЛОТИНИНГ ТАВСИЯСИГА ҚўРА, СУТКАЛИК ШАКАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ УМУМИЙ КАЛОРИЯНИНГ 5 ФОИЗИДАН ОШМАСЛИГИ ЗАРУР. ҚИЗИГИ ШУНДАКИ, ОДАМ ОРГАНИЗМИДА ТОЗАЛАНГАН ШАКАРГА ТАЛАБ УМУМАН БўЛМАС ЭКАН.** ”

Зокир ЭРГАШЕВ,
олий тоифали шифокор-эксперт:

Кунлик меъёр — 25 грамм



— Статистика маълумотларга қараганда, инсонларнинг ўрта ҳисобдаги бир кунлик шакар истеъмоли миқдори меъёридан икки-уч бараварга ошиб кетмоқда. Бунга сабаб, биз истеъмол қилаётган озиқ-овқатларнинг кўпчилигида, албатта, шакар бор.

Таомилга кўра, ошхона ҳамда ресторанларда столга туз, қалампир ва ҳоказолар қўйилади. Баъзи жойларда эса стол устида, албатта, шакар лат ва бошқа таомлар таркибида ҳам албатта, туз бўлади. Туз ва шакарнинг ортиқча истеъмоли ҳам допинг ҳисобланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкilotининг тавсиясига кўра, сут-

калик шакар қабул қилиш умумий калориянинг 5 фоизидан ошмаслиги зарур. Қизиги шундаки, одам организмда тозаланган шакарга талаб умуман бўлмас экан. Шакар гўё гийҳанд модда сингари инсон миёсига таъсир кўрсатишни кўпчилик билмас керак. Аммо шуни қайд этиш жоизки, одам шакар истеъмол қилганида у миёнини мукофот тизимига таъсир қўрсатади. Орхус университети тадқиқотчилари (Дания) шакар миёнга ва хатти-ҳаракатларга таъсир қилади, деган таҳминларни текшириш мақсадида чўчалар устида таъриба ўтказди. Ушбу ҳайвон миёси сиқонларниги қараганда мураккаброк ва инсон миёси каби эгри йўллар билан қопланган. Шунинг учун олимлар ана шу ўхшашликни эътиборга олган ҳолда инсон миёси учун мўлжалланган сканерлардан фойдаланиб, чўкур тузилмаларни визуал равишда кузатиб борди. Тадқиқот давомида чўчалар кунига 2 литр шакарли



сувни 12 кун давомида истеъмол қилишди. Биринчи кун чўчаларда ҳаракат, шовқин-сурон, хил-бири билан тортишиш болабери, фаоллик кучайди. Олимлар чўчаларни МРТ орқали уч марта — таърибадан олдин, биринчи кун охирида ва тадқиқот сўнгида текширувдан ўтказди. Хулоса шу бўлдики, 12 кунлик шакар истеъмолидан сўнг миёнининг допландий ўзгаришлар кузатилди.

Энди тасаввур қилинг, бир кун ичида шакар миёнини мукофот тизимини ўзгартира оладиган бўлса, демак, 12 кундаги

таъсири унинг уч-тўрт баравар фаоллашишига сабаб бўлади. Шакар истеъмолдан воз кечиш инсон ҳаётини бутунлай ўзгартиради ва жуда кўплаб касалликларнинг олдини олади. Шифокорлар саломатликни қайта тиклаш учун нафақат шакарнинг ўзи, балки таркибига шакар қўшилган маҳсулотлар истеъмолдан ҳам воз кечишни тавсия этишади ва бу соғлом турмуш тарзига амал қилишнинг муҳим шартларидан бири, деб ҳисоблашади.

Дилшод ҚАРИМОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 23 960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-қўднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълолар 71-232-11-15.

Тадқиқотга келган қўбемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Топширилди — 23.35

1 2 3 4 5 6